



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
25 май
ЧОРШАНБА
№ 41
(12.365)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Олмалик:

БАРАКА ЁФИЛГАН ҲУДУД

1. Янги анъаналар ва тамойиллар шахри

Бу шаҳарни Қалмоққир қони, рангли металлларни саралаш ва эритиш корхоналари, кимё саноатининг гиганти, йирик қурилиш-монтаж ташкилотларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришган дастлабки пайтларда бу ноёб ишлаб чиқариш қувватлари истиқболсиз бўлиб қолганлиги, ёш суверен давлатда вужудга келган шарафни улардан самарали фойдаланиб бўлмаганини башоратчилик қилувчилар ҳам топилди.



Лекин миллий истиқлол туфайли бутун интеллектуал салоҳияти ва қуч-ғайратини ўз шахрини гуллаб-ғаниматига бағишлаган олмаликликлар башоратчиларни доғда қолдиришди.



Тўғри, гоёт улкан ва ноёб бу корхоналарни сақлаб қолиш ва қайта жонлантириш осон бўлгани йўқ. Республика Президенти раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, амалга оширилган бошланғич иқтисодий ислохотлар, эскириб, ишдан чиқиб қолган технологик ускуналари замонавийлари билан алмаштириш, энг муҳими, малакали кончилар, металлургия, кимё-гарларнинг янги авлодини тарбиялаш борасидаги қўламли чора-тадбирлар Олмаликни ривожланиш босқичига олиб чиқди. Бугунги Олмалик барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимларида 24 минг 45 киши меҳнат қилаётган улкан кон-металлургия, изланишлар орқали мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига минерал ўғитларнинг янги хилларини етказиб бераётган кимё корхоналари, барқарор юксалиб бораётган, импорт маҳсулотлар ўрнини босувчи сифатли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқараётган "TASH-KVA-TRANSSEVRS" масъулияти чекланган жамият сингари ўнлаб катта-кичик қувватлар барпо этилаётган шаҳардир.

Кейинги 20 йилда Олмалик илгариги шухратини сақлабгина қолмай, янги анъана ва тамойиллар билан бойитмоқда, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш йўли-

дан бориб, ички ва ташқи бозорларга янги-янги рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бермоқда. Шу йилнинг дастлабки уч ойида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадлари учун инвестиция киритиш 5,4 миллиард сўм кўпайди. Тадбиркорлик ҳаракатини кенгайтиришга 3 миллиард 300 миллион сўм кредит ажратилди. Ҳозир 20 та корхона истеъмол моллари ишлаб чиқараётган. Уларнинг ялпи ҳажми кейинги бир йилда 1,5 баравардан зиёд кўпайди. Йирик ва кичик бизнес корхоналари маҳсулотини 2007 йилги 143,7 миллиард сўмдан 2010 йили 1 триллион 343,7 миллиард сўмга кўтарилди. Қурилиш қўламли кенгайиб, пудрат ишлари икки баравардан зиёд ўсди. Улаштирилган капитал маблағлар

62,9 миллиард сўмдан ўтган йилга келиб 222,2 миллиард сўмга етди. Транспорт корхоналари энг янги юк ва йўловчи ташиш машиналари билан тўлдирилди. Бугун шаҳарда 24 та транспорт корхонаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Шу йилнинг уч ойида шаҳар корхоналари экспорт салоҳияти 47,6 фоиз юксалди. Бугун 12 корхона жаҳон бозорига маҳсулот чиқараётган. Йилнинг биринчи чорагида хорижий ҳамкорларга 204,4 миллион долларлик маҳсулот етказиб берилди.

Уч ойда мамлакат бюджетига тушум белгиланганидан 23,7 миллиард сўм кўпайди. Маҳаллий бюджет СУРАТААДА: (юқорида) ОКМКнинг илгор шимчиси Қувонақ Усмондёрёв (ундан иккинчи) ҳаммаслари даврасида; (пастда) шаҳар чирой оячати.

ЭРТАНГИ КУН ЯНАДА ОМАДЛИ БЎЛАЖАК

Бугун устозлар ва ўқувчилар қалбларини тўлқинлантириб, сўнгги кўнғироқ чалинди. Минглаб ўқувчилар йиллар давомида таълим-тарбия олган мактабларини тарқ этиб, катта ҳаёт сари биринчи қодами кўйишга таратдиланишмоқда.

Бу йил вилоятимиз мактабларини оз эмас, кўп эмас, 48 минг 769 нафар ўқувчи битади. Шулардан 409 нафари 11-синфинг тугатади. Мустақил ҳаётга қадам қўйган ака-опаларнинг ўрнига эса 42 мингдан зиёд ўғил-қиз 1-синфга қадам қўйишди.

Вилоятимиз мактабларида сўнгги кўнғироқ тантаналари кўтаринки руҳда, ўзгача ҳаяжон билан ўтди. Чирчиқ шаҳридаги 10-мактабдаги шундай маросим ҳам узоқ вақт устоз ва ўқувчилар ёдида қоладиган бўлди. Шаҳар халқ таълими бўлими ва маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари

да ўқувчиларнинг келажақ учун тўғри режа тузишлари, айниқса, ўз билим ва қобилиятлари, энг асосийси давр талаби ва эҳтиёжга мувофиқ касб танлашлари учун мактабданок тегшли билим ҳамда кўникмалар бериб борилади.

Навбатдаги таълим босқичи ва мутахассисликни танлаш буйича тақдирот кўнғироқ ўтказилади. Ҳозирги битирувчиларни "энди нима қилсам экан" деган савол қийнамайди. Уларнинг аксарияти қайси лицей, коллеж ёки олий ўқув даргоҳларида ўқишни давом эттириш борасида қатъий қарорга келиб бўлишган.

Таъкидлаш жоизки, бу йил вилоятимиздаги 98 та касб-хунар коллежини 30 минг 237 нафар ўқувчи битириб, 8 соҳадаги 123 мутахассислик буйича етук билимга эга бў-

Тошкент вилояти ҳокимининг қарори Ш. ПУЛАТОВНИ ОЛМАЛИҚ ШАҲАР ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ ҚАРОР ҚИЛАМАН: Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокими лавозимига Пулатов Шухрат Артикавич 2011 йил 23 майдан тайинлансин. Ушбу қарор Халқ депутатлари Олмалик шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ. Тошкент шаҳри, 2011 йил 23 май.

ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Олмалик шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Сессияда муқаддам "Ўзбекқўмир" очик акциядорлик жамияти бош директори ўринбосари лавозимида ишлаб келган Шухрат Артикавич Пулатов Олмалик шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

ИСТАГАНГА ЙЎЛАНМА НАҚД

Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 25 та корхона 426 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Тадбирда тумандаги иш билан банд бўлмаган фуқаролардан 229 кишининг иштироки таъминланди. Ишсизларга Бўстонлик туманининг турли корхона ва ташкилотларида меҳнат фаолиятини бошлаш учун йўлланмалар берилди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.

ПИЛЛА - 2011

Пиллачиллик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири. Пилла етиштирувчи фермер хўжалиқларида ипақ қуртини парваришлаш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар ҳамда жиҳозлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилгани, пиллакорларнинг моддий манфаатдорлиги оширилгани дастлабки ютуқлар омили бўлаёпти.

ИЛГОРЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Бу йил Уртачирчиқ туманида 150 тонна пилла етиштириш режалаштирилган. "Пилла" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси 306 та фермер хўжалиги билан шартнома имзолаган. Сифатли пилла ҳосили етиштириш мақсадида шартнома асосида 2600 қўп ипақ қурти пиллакорларга тарқатилиб, парвариш бошлаб юборилди.

Тут қаторлари ва тутзорларга ўз вақтида агротехника қондалари асосида ишлов берилгани, тут дархаллари зараркунданларга қарши дорилангани натижасида ипақ қуртлари си-

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ПАРКЕНТ ТУМАНИ АКА-УКАЛАР ҲИММАТИ

Хусусий тадбиркорлар ака-ука Шухрат ва Файрат Мақсудовлар саъй-ҳаракати билан шаҳар марказида икки қаватли савдо дўкони фойдаланишга топширилди.

Биринчи қаватда озик-овқат, дорихона ва болалар дунёси бўлимлари, иккинчи қаватда эрмаклар ва аёллар сарторашонаси, тўй либослари зали ва ошхона аҳолига хизмат кўрсатади. ШОХРУХ ҲАКИМОВ.

БЎСТОНЛИК ТУМАНИ ҚОРАМАНАСНИНГ ҚОРАБОЙИДА

Қораманас қишлоғининг «Қорабой» маҳалласида янги хизмат кўрсатиш пункти фаолият бошлади.

Хусусий тадбиркор Бахит Бойимбетов оған шохобчада микозлар расмга тушиш, видео ҳамда ксерокопга кўчириш хизматидан фойдаланишлари мумкин. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бу қўлайликдан қишлоқ аҳли мамун. Суннат МУСАМЕДОВ.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ ҚЎЛИ ГУЛ МАЛИКАЛАР

Тадбиркор ва ишбилармон аёл Зарифа Баҳодирова раҳбарлигидаги "Токизахон" ўқув маркази битирувчиларининг гафдаги диплом ишларини топшириш тантанаси "Токизахон" маҳалласида номили иқтидорли қизлар кўрик-танловига улашиб кетди.

Тикувчилик, зардузлик, қандолатчилик, замонавий пардалар чевери, сарторашлик йўналишлари буйича иқтидор ва маҳоратли қизлар йўналишлари кўриқлари ўтди. 54-умумтаълим мактаби битирувчиси, марказ қатнашчиси Замира Содиқовага малакалик тожи навоиб этди.

Кўрик-танловда "Адолат" СДП сафига қўшилган бир гуруҳ ёшларга аъзолик билетлари топширилди. ШОКИР ХАЛИЛОВ.

МАВЗУНИНГ ҚЎЛАМИ КЕНГ

"Адолат" СДП вилоят кенгаши CAPS FURNITURE COMPONENTS МЧЖ билан ҳамкорликда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" фаровонлигининг мустақил таъини" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда "Кичик ва оилавий бизнесни ҳамда инновацияларни рағбатлантириш" иқтисодий барқарорликнинг муҳим омилдир", "Мебель ишлаб чиқаришда янги инновацион лойиҳа амалда" ва "Мебель ишлаб чиқаришда миллий ва чет эл тажрибалари" мавзуларида маърузалар тингланди. Иштирокчилар соҳага оид янгиликлардан хабардор қилинди. Кичик бизнес вакиллари ўзларини қизиқтирган турли мавзудаги саволлар билан мутахассисларга мурожаат этиб, батафсил маълумотга эга бўлишди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ЎЗИШГА АРЗИГУЛИК ИШЛАРИМИЗ СЕРОБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва "Жаҳон" ахборот агентлиги билан ҳамкорликда журналистларнинг ишловлари оид биллиларини ошириш бўйича ўқув-семинари ўтказилди.

Унда турли марказий давлат ва нодавлат ОАВлари вакиллари иштирок этди. Семинарда сиёсат ва журналистика соҳасининг етук олим ва мутахассисларнинг мустақилликнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олишда ОАВнинг роли, истиқлол йилларида эришилган ютуқларимиз моҳияти ва уларни мавзуда ёритиш масалаларига бағишланган маърузалари тингланди.

Савол-жавоб тарзида ўтган машғулотларда истиқлол халқимизнинг Юртбошимизи раҳнамолигида

Зангиота агросаноат касб-хунар коллежи ташаббуси ва вилоят ўрта-маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Хорижий тилларни ўқитишда инновацион педтехнологиялардан фойдаланиш" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

САВОҚ УЧУН МАҲОРАТ КЕРАК

У инглиз тили ўқитувчилари ўртасида тажриба алмашиш, янги инновацион педагогик услубларни омалаштириш мақсадида ташкил этилди. Вилоят академик лицейи ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари дарс жараёнида интернет ресурслари ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича тренингларида иштирок этишди.

Отабек САИДОВ. Умидахон ШУКУРОВА.



СУРАТАА: Зангиота туманидаги 56-мактаба бўлиб ўтган сўнгги кўнғироқдан лавҳа. Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Ёшлар боғи, "Олтин олма" майдони қуриб битказилди. "Дельфин" дам олиш зонаси ободонлаштирилиб, жихозланди, замонавий спорт комплекси ҳамда аквапарк қурилиши бошлаб юборилди. Бугун маҳаллалардаги болалар майдончалари ва

учин янгилик бўлиши мумкин. Бу турдаги ўғитини 2005 йилдан бундан корхона ўз панти асосида ишлаб чиқараётди. У экинчи бақувват қилиб, ҳосилдорлигини оширади, ерни юмшатади. Комбинат шу йилнинг ўтган тўрт ойида 46,4 мил-

та таъмирлашга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 1981 йилда қуриб, ишга туширилган олтингургит ишлаб чиқариш цехини қайта қуриш жадал бормоқда. Бу тадбир хорижий инвестор - "Максам" компаниясининг инвестиция мажбуриятлари

ларга самарали меҳнат ва яхши ҳордик учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. "Кимёгар" маданият саройи ишлаб турибди, 100 ўринли профилактик, кўркам теннис корти, соғломлаштириш мажмуи, Пискентнинг қушҳаво

ВИЛОЯТ СОВРИНИ

МЕЗБОНЛАР УСТУНЛИГИДА ЎТДИ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ва унинг тасарруфидоги муассасалар бш авлодни Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида жойларда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, балалар

ва ўсмирларни кенг жалб этиш, айниқса, вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва бошқа зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш учун кўплаб спорт муСОБАҚАЛАРИ УЮШТИРМОҚДА.

14 май куни Ўртачирик туманида ёшлар ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича вилоят кубоғи мусобақаси ташкил этилди. 15 жамоага бирлашган 50 нафарга яқин ўсмирлар кизгин беллашуларда фаол иштирок этиб, мусобақани кўтаринки руҳда ўтишини таъминладилар.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Ўртачирик тумани жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин Чирчиқ шаҳри ва учинчи ўрин Куйчирик тумани ёшларига насиб этди. Шахсий ҳисобда қизлар ўртасида биринчи ўринни Л. Аблямитова (Чирчиқ шаҳри), иккинчи ўринни И. Межитова (Ўртачирик тумани)

ва учинчи ўринни А. Мухамеджонов (Ўртачирик тумани) кўлга киритдилар. Ўғил болалар ўртасида биринчи ўринга В. Югай (Ўртачирик), иккинчи ўринга Д. Абдурахмонов (Чирчиқ шаҳри) ва учинчи ўринга Х. Махаммадов (Ўртачирик тумани) сазовор бўлишди. Ўз муҳбиримиз.

Олмалик:

БАРАКА ЁФИЛГАН ҲУДУД

2. Устоз кўрган ёшлардан умид катта



лиард сўмлик маҳсулот тайёрлаб, режани 133,4 фоиз бажарди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 101,7 фоиз бўлди. Маҳсулотларнинг 85 фоизи республика кишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун ишлатилди, 15 фоизи Украина, Польша, Хорватия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинапти.

Яна бир эътиборга лойиқ ҳолат - корхона коллежлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Олмалик sanoat касб-хунар коллежининг 162, Ангрэн кимё sanoati касб-хунар коллежининг 227, Охангарон sanoat касб-хунар коллежининг 182

жойида дам олиш зонаси, Бўстонликда "Чимён" болалар оромгоҳи, ишчи-хизматчилар ҳордик чиқарадиган дам олиш уйи жамоа аъзолари ва уларнинг фарзандлари хизматида.

Олмалик шаҳарининг нуфузи, салоҳияти қон-металлургия комбинати билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида бу корхона ўзининг иккинчи туғилиш даврини бошдан кечирди. Юртбошимизнинг доимий эътибори, республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли корхонани модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш бўйича катта тадбирлар амалга оширилиб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



ди. Фермерлар, балиқчилик хўжаликлари, наслдор моллар фермалари уни пешмаш харид қилишмоқда. Кимёвий насосларнинг эҳтиёт қисмлари илгари четдан келтирилган эди. Механика цехида бу деталларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Арзон, қулай, ўзимизники.

Комбинат шаҳар ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга ҳам салмоқли маблағ ажратмоқда. Жумладан, шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш билан бирга соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимларини ривожлантиришга ҳам кўмаклашмоқда.

Корхонада аммофос ва супрефос минерал ўғитлари ишлаб чиқарилади. Супрефос атамлари айрим кишилар мин-ўйингоҳлар ҳам, дам олиш жойларининг жиҳозлаши ҳам, бевосита комбинат меҳнаткашларининг гайрат-шижоати билан боғлиқ.

Олмалик шаҳарининг нуфузи, салоҳияти қон-металлургия комбинати билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида бу корхона ўзининг иккинчи туғилиш даврини бошдан кечирди. Юртбошимизнинг доимий эътибори, республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли корхонани модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш бўйича катта тадбирлар амалга оширилиб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонада аммофос ва супрефос минерал ўғитлари ишлаб чиқарилади. Супрефос атамлари айрим кишилар мин-ўйингоҳлар ҳам, дам олиш жойларининг жиҳозлаши ҳам, бевосита комбинат меҳнаткашларининг гайрат-шижоати билан боғлиқ.

Комбинат шаҳар ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга ҳам салмоқли маблағ ажратмоқда. Жумладан, шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш билан бирга соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимларини ривожлантиришга ҳам кўмаклашмоқда.

Корхонада аммофос ва супрефос минерал ўғитлари ишлаб чиқарилади. Супрефос атамлари айрим кишилар мин-ўйингоҳлар ҳам, дам олиш жойларининг жиҳозлаши ҳам, бевосита комбинат меҳнаткашларининг гайрат-шижоати билан боғлиқ.

Комбинат шаҳар ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга ҳам салмоқли маблағ ажратмоқда. Жумладан, шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш билан бирга соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимларини ривожлантиришга ҳам кўмаклашмоқда.

Корхонада аммофос ва супрефос минерал ўғитлари ишлаб чиқарилади. Супрефос атамлари айрим кишилар мин-ўйингоҳлар ҳам, дам олиш жойларининг жиҳозлаши ҳам, бевосита комбинат меҳнаткашларининг гайрат-шижоати билан боғлиқ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади

Бўстонлик туманида ЎзХДП марказий, вилоят ҳамда туман кенгашлари "ЎзХДПда ёш сиёсати - 2011" кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказди.

АҚЛИ, ЗУККО ВА СЎЗАМОЛ

Кўриқда 11 та шахар ва тумандан 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган ЎзХДП аъзолари сиёсий билимларини синаб кўришди.

Иштирокчилар "Таништирув", "Билимдонлик", "Нотиклик" ва "Партия ҳаётини ёритувчи видеоролик" каби шартларни бажаришди.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси республика Марказий банкнинг вилоят бош бошқармасига шаҳар-туман банк филиаллари наҳд пул таъминотида узилтиш-ларга йўл қўймаслиги ўстидан назорат ўрнатилиши тўғрисида кўрсатма-хат киритилган.

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнининг янги босқичи бошлаб берди.

ҲАМИША ХАЛҚ ОРАСИДАМИЗ

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг депутатлари электоратга, демократик халққа энг яқин сиёсий бўйин ҳисобланади. Улар жойларда, маҳаллий муаммоларни атрофича таҳлил этиш имкониятига эга.

ОЛОВ - ТИЛСІЗ ЁВ

ФАЛЛАЗОРДА ЁНҒИН ЧИҚМАСИН

Фаллазорларимизнинг самарали меҳнати билан вилоятимиз далаларида дон ҳосили пишиб етилмоқда. Галдаги асосий вазифа - халқ ризқ-рўзини нест-нобуд қилмай, йиғиб олишдан иборат.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН МАКТУБЛАР ТАҚДИРИ

ПЕНСИЯ ҚОНУН БЎЙИЧА ТЎЛАНДИ

Бўстонлик тумани Фазалбек шаҳрида яшовчи Комилжон Турғуновдан рафикасининг (марҳум) пенсиясини вақтида ва тўлиқ ололмагани ҳақида тахририятга шикоят-аризаси келган эди.

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗГАТИШ РАД ЭТИЛДИ

Оққўрғонлик А. Зейтуллаева тахририятга йўллаган аризасида ўтган йил июль ойида қўйлар далада ўтлаб юрганида битта кўчқори йўқолиб қолгани, кейинроқ аниқлаша, у ҳамқишлоғи М. Жўраванинг қўйларига қўшилиб кетиб, энди уни қайтариб ололмаслигини баён этилган.

КЎЧАНИ ТАЪМИРЛАШ ДАСТУРГА КИРИТИЛДИ

Бўстонлик тумани Искандар шаҳарчасида яшовчи бир гуруҳ аҳоли номидан тахририятга келган хатда У. Усмонов кўчаси оғир юк машиналари сарқатнов бўлгани боис бузилиб, ўқир-чўқир бўлиб кетгани, туман ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилинганга қарамай, амалий чора қўрилмаслигини айтилган эди.

ОЛОВ - ТИЛСІЗ ЁВ

ФАЛЛАЗОРДА ЁНҒИН ЧИҚМАСИН

Фаллазорларимизнинг самарали меҳнати билан вилоятимиз далаларида дон ҳосили пишиб етилмоқда. Галдаги асосий вазифа - халқ ризқ-рўзини нест-нобуд қилмай, йиғиб олишдан иборат.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН МАКТУБЛАР ТАҚДИРИ

ПЕНСИЯ ҚОНУН БЎЙИЧА ТЎЛАНДИ

Бўстонлик тумани Фазалбек шаҳрида яшовчи Комилжон Турғуновдан рафикасининг (марҳум) пенсиясини вақтида ва тўлиқ ололмагани ҳақида тахририятга шикоят-аризаси келган эди.

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗГАТИШ РАД ЭТИЛДИ

Оққўрғонлик А. Зейтуллаева тахририятга йўллаган аризасида ўтган йил июль ойида қўйлар далада ўтлаб юрганида битта кўчқори йўқолиб қолгани, кейинроқ аниқлаша, у ҳамқишлоғи М. Жўраванинг қўйларига қўшилиб кетиб, энди уни қайтариб ололмаслигини баён этилган.

КЎЧАНИ ТАЪМИРЛАШ ДАСТУРГА КИРИТИЛДИ

Бўстонлик тумани Искандар шаҳарчасида яшовчи бир гуруҳ аҳоли номидан тахририятга келган хатда У. Усмонов кўчаси оғир юк машиналари сарқатнов бўлгани боис бузилиб, ўқир-чўқир бўлиб кетгани, туман ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилинганга қарамай, амалий чора қўрилмаслигини айтилган эди.

ОЛОВ - ТИЛСІЗ ЁВ

ФАЛЛАЗОРДА ЁНҒИН ЧИҚМАСИН

Фаллазорларимизнинг самарали меҳнати билан вилоятимиз далаларида дон ҳосили пишиб етилмоқда. Галдаги асосий вазифа - халқ ризқ-рўзини нест-нобуд қилмай, йиғиб олишдан иборат.

кредит олиб, хом ашё харид қилинбди. Бу йил яна 20 миллион сўм кредит олиб, замонавий арралаш ускунаси сотиб олиб, ўрнатилди. Корхонада 15 киши иш билан таъминланган. Ўтган йили 130 мил-

бу ерда тайёрланаётган эҳтиёт қисмлар илгари чет давлатлардан валютага сотиб олинганини ҳам таъкидлаб қўйди.

Ўтган йили корхона халқаро сифат сертификати, "Ташаббус" қурик-танлови

ўрнатилди. Иш юришиб кетди.

Ишлаб чиқаришни Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари четдан сотиб олаётган конвейер роликлари, графит электроршчётка, текстолит-изоляция



харакати" деб баҳолади. Reutersнинг эслатишича, "Толибон" ҳаракати фаоллари "Ал-Қоида"нинг террорчилик тармоғи етакчиси Усома

ҲАРБИЙ БАЗАГА ҲУЖУМ

Покистондаги ҳарбий-денгиз авиацияси базасига уюштирилган ҳужум натижасида каминда ўн киши ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

АФР агентлигининг аниқлик киритишича, ўндан зиёд киши ярадор бўлган. Бироқ, улар ҳарбий хизматчиларми, жангариларми ёки тинч аҳолими, ҳали маълум эмас. Агентлик муҳбири ҳарбий база томондан қучли портлаш ва тинимсиз отишма овозлари эшитилиб турганлигини маълум қилди.

Reuters муҳбири эса, отишмалар давом этаётганини таъкидлади.

Дастлабки маълумотларга қараганда, базага ҳужум қилишда бир неча ўнлаб кишилар иштирок этган. Ҳали ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олгани йўқ. Бироқ, мамлакат ҳукумати юз берган воқеани "террорчилик



бин Лоди ўлдирилганлиги учун ўн олийши ваъда қилган эдилар. Лоди йўқ қилинган 2 майдан бўён толибончилар Покистонда бир неча қўпуровчилик содир этдилар.

Интернет хабари асосида тайёрланди.

Олмалик:

БАРАКА ЁФИЛГАН ҲУДУД

3. Фикр ва иштиёқи борлар учун имконият мўл



тор ишлаб чиқаришдан бошланди. Текстолит-изоляцияларга кон-металлургия комбинатларидан ташқари Тошкент метрополитени, трамвай деполари ҳам харидор бўлаётти.

«Рустам Муҳиддинович, бунчалик мураккаб деталлар ишлаб чиқаришни қандай уйдаришлар», деган саволимизга жавобан Россиянинг Челябинск шаҳридаги корхонадан махсус технологияни 10 минг долларга сотиб олишганини айтди. Раҳбарнинг ўзи ўша корхонада бир ҳафта ишлаб, ўрғаниб, бу эҳтиёт қисмини тайёрлаш технологиясини сотиб олиб келибди. Бугунга

ҳафта-ўн кун қўшиб берилади. Байрамларда пул мукофоти. Кузда белул картошка-пийёз. "Мутахассисни асраш керак, кадрлаш керак", дейди раҳбар.

Олмалик шаҳрида шу сингари тадбиркорлар ҳам, тадбиркорлик субъектлари ҳам анчагина. Хусусан, бугун шаҳарда 695 та кичик бизнес субъекти, 541 та микрофирма, 154 та кичик корхона, 14 та қўшма корхона ва 1000 дан ортиқ яқка тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. "Олмалик гиштчиси" корхонаси улар орасида илғорлардан. Замонавий техника ва ускуналар билан қайта жиҳозланган бу корхона шаҳар қурилишларининг гиштва бўлган эҳтиёт қисмини қондириб, ортиқча маҳсулотини қўшни давлатларга экспорт ҳам қилаётти. "Тиббий қурик" хусусий корхонаси соҳибни Нормамат Мамамадов ташландиқ икки қаватли бинони "ноль қийматда" олиб, сармоса қиритиб, тасмирлаб, қўрган кишининг кўзи қувандириган кундузги шифонага айлантирди. Муолажага муҳтож кишилар эрталаб келиб, кечгача ётиб даволаниб, сўнг уйларига қайтаверишади.



— Илмий-билимий ёшларимиздан 20 нафари "Технолог" масъулияти чекланган жамиятда ишлашади, — дейди Савдо-санот палатаси вилоят бошқармасининг Олмалик шаҳар филиали директори Гафур Сайдалиев. — Улар ўзларидаги илми сотишади: Олмалик, Охангарон, Навоий шаҳарларидан олинган бюртмалар асосида санот корхоналарини компьютер орқали автоматик бошқариш бўйича дастурлар тайёрлаб беришмоқда.

Демак, интеллектуал мулк сотилаётган. Бу ерда мустақиллик фарзандлари меҳнат қилишмоқда. Зеро, Олмаликнинг келажаги шулар қаби ёшларнинг қўлида...

— Макссулотни четга сот-маясизми?

— Режада бор. Ҳозирча,

СУРАТАЛАРА: (юқорида) шаҳар тиббиёт бирлашмаси реаниматологи Абдор Холмуродов ҳамширалар Дилором Қорақозиева ва Соҳиба Эгамбадиева билан; (паспада) Қончилар касб-хунар коллежи ўқитувчиси Дилбар Бакирова машғулот ўтказмоқда.

Шаҳар марказидаги "Шинам" мебель дўконига кирдик. Савдога қўйилган жавон, ёзув столи, ошона мебли кабилар ихчам ва чиройлилиги билан диққатни тортади. Ҳақиқатан ҳам, бу мебеллар ҳар бир хонага, ҳар қайси хонадонга шинамлик бағишлайди. Уларни ишлаб чиқарган корхона бизни қизиқтирди.

... "Жавлонбек-бизнес" хусусий корхонаси яқинда иш бошлабди, ҳозирча эски тиббиёт коллежи биносининг бир қанотидида жойлашган. Цехларга айлантирилган катта-кичик хоналарнинг бирида ДСП, ДВП ва бошқа мебелбоп тахталар аралаштириб, иккинчисидида уларни бир-бирига улаб-йиғиб, шаклга келтиришмоқда, учинчисидида ошиқ-мошиқ, туқин ва бошқа безаклар ўрнатиллапти, тўртинчисидида лак суртилляпти.

— Махсулотларимизни фақат ўзимиз сотамиз, — дейди корхона раҳбари Абдулла Бўрибоев. — Агар бировга берсак, улар, албатта, устига нарх қўяди, қимматлашади.

Дўконга жўнатишга тайёрлаб қўйилган шифонёр, ошона мебли, "болалар хонаси" — қаравот, дарс тайёрланадиган стол-стул, компьютер таглиги каби бежирим мебеллар кўзни қуватади. Энг муҳими — ҳаммабон, ҳамёнбон.

Ишни юргизиш учун ўтган йили «Ипотека банк»идан 30 миллион сўм



лион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган экан, янги ускуналарни ишга тушириш ҳисобига бу йил 200 миллион сўмликка етказамиз, дейди раҳбар.

... "Тош-КВА-Транссервис" масъулияти чекланган жамияти шаҳарда кўзга кўринган йирик тадбиркорлик субъектларидан бири. Ишлаб чиқарилаётган махсулотлар миллион эмас, миллиардлар билан ўлчанади. Ўтган йили 1,5 миллиард сўмлик турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 2,5 миллиард сўмликка етказишмоқчи.

Бунга бошқарув раиси Рустам Қурбоналиев билан суҳбат давомида билиб олдик. Рустам Муҳиддинович

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ УЧУН ВИЛОЯТ ИЧИДА, ТОШКЕНТ ШАҲРИГА ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МОБИЛЬ АЛОҚА АБОНЕНЛАРИГА АВТОМАТИК УСУЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН СЎЗЛАШУВЛАР ТАРИФЛАРИ ПАСАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбектелеком» АК «Тошкент Телеком» филиали 2011 йил 16 майдан Тошкент вилояти аҳолиси учун вилоят ичида, Тошкент шаҳрига ва Тошкент шаҳри мобиль алоқа абонентларига автоматик усулда амалга ошириладиган сўзлашувларнинг ҳар бир дақиқаси учун нархи 25 сўм миқдориди ўрнатилганлигини маълум қилади.

Шу билан бирга, автоматик усулда тақдим этиладиган сўзлашувларнинг тарифларига камайитириш коэффициентлари сақланиб қолади:

1. Иш кунлари 22.00-7.00 Тарифга камайитириш коэффициентининг чегаравий даражаси 0,15.
2. Дам олиш кунлари (шанба, яшанба, байрам кунлари) 22.00-7.00 Тарифга камайитириш коэффициентининг чегаравий даражаси 0,20.

Хизматларимиздан фойдаланаётганлигиниз учун миннатдорчилик билдираемиз!

Республика кўп тармоқли Агросоаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичида-босқич охири бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 15.09.2010 йилдаги № 26124-25-сон ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-дахлада жойлашган, умумий майдони 57,51 кв.м. бўлган 51-уй, 31-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи — 66 487 623 сўм. Аукцион савдосига Шайхонтохур тумани СИБ томонидан 26.01.2010 йилдаги № 2165/24-сон ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход кўчаси, 12-А уйда сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 550 КАА бўлган "Kia Serato S45" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 35 808 989 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 30 июнь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 21 июль кунини бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 9 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Миробод тумани СИБ томонидан 05.10.2010 йилдаги № 11844/21-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар "241-қонли Шаркли Мелиса" жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 1995 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 147 бўлган "Ваз-2106" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 4 535 500 сўм. 2. 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 213 бўлган "Ваз-21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 9 711 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 517 бўлган "Газ-330202-14" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 21 723 000 сўм. 4. 1985 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 263 бўлган "Камаз



Олмалик:

БАРАКА ЁФИЛГАН ХУДУД

4. Фарзандлар камолоти учун ҳеч нарса аялмайди



Бирор ҳафта йўқки, ўқув юртида ёш ижрочиларнинг кўрик-танловлари, маҳаллаларда санъат байрамлари, клублар ёки маданият саройларида миллий кўшиқчилик дасталарининг чўкишлари, стадионларда ёшларнинг оммавий-маърифий фестиваллари ўтмасди. Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида шахар шундай тўлақонли маданий ҳаёт билан яшамокда. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этаемиз:

“Металлург” ўйингоҳида ўтказилган санъат байрамида “Эдлвейс”, “Сетора”, “Шаҳноз” дасталари, “Сударушка” халқ ҳаваскорлик жамоаси ижрочилик маҳоратларини намойиш этишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилноза Исмиёминова, шунингдек, Умид Шаҳобов, Абдували Ражабовнинг кўшиқларини иштирокчилар мириқиб тинглашди. Энг буюк, энг азиз байрам арафасида ўтказилган бундай оммавий тадбирлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Уларга таълим масканларидаги “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” мавзусидаги давра суҳбатлари уланиб кетмокда. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, маънавий-маърифий, тиббиёт ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ҳақиқатдан сўхбатлар, турли авлод вакиллари билан учрашувлар аҳолининг барча

қатламларида алоҳида кўриқ-танловлар, айниқса, баркамол авлод тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатмокда. Ижтимоий инфратузилмаларнинг кейинги йиллардаги ривожига тиббиёт ва таъ-

ми салмоқли бўлди. Фақат марказий шифокорани қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш мақсадлари учун 12 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланди. Туғруқ мажмуаси бош шифокорининг даволаш

бўлиб, улар орасида юқори тоифали устозлар йил сайин кўпайиб бормокда. Мустақиллик йилларида дарсдан ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари тармоғи тақомиллаштирилди. Хозир ўқувчиларнинг икки-



ишлари бўйича ўринбосари Дилшода Бўриева “Саломатлик – 2” лойиҳаси асосида барча бўлимлар жаҳдан андозларига мос қилиб қайта жиҳозланганлиги ҳақида гапириб берди. Репродуктив саломатлиқни яхшилаш, “Соғлом она – соғлом оила” маърифий тадбирларини ўтказишда алоҳида жонбозлик кўрсатилапти. Бугун шахар ўрта умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунара коллежларида 20 мингга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олапти. Улар жисмоний чиниқиб, билимларни пухта эгаллашмокда. Таълим соҳасидаги ислохотлар болаларни ўқитиш, касбларга йўналтириш яхшиланганига олиб келяпти.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Юртимизда 12 миллион 286 миң меҳнатга лаёқатли ишчи кучи бор. Шунга яраша иш ўринлари ҳам оз эмас. Биргина Тошкент вилоятида ҳар йили ўн миңлаб янги иш ўринлари яратилмокда. Коллежлари ҳар йили битирадиган 15 миң ёшларнинг 100 фоиз бўлмасида, аксарияти иш билан таъминланмокда. Қайси идорага беш сўмманг, камиди учта вақант лавозим сизни кутиб турибди. Шундай шароитда айрим юртдошларимизнинг хорижга ошиқиши ортиқча. Таниқли адибимиз Саид Аҳмад қаҳрамонларнинг тили билан айтганда, “Чет элники деса, хўрозқандни ҳам ётиб ялайди” бу тўшмагурлар. Гўё уларга хорижда кимдир иш тайёрлаб қўйгандек.

Айримлар “хорижга ишчи кучи экспорт қилишимиз, четдан валюта тушуми таъминланапти”, деб ўзини хурсанд қилиб юрганлар. Бирок, хорижда иш тайёр бўлиши учун давлатлараро шартномалар бўлиши, ўша давлатларда ишчи мигрантларимизнинг тегишли ҳақ-хўқуқлари қабул қилиниши ҳукумат томонидан кафолатлангани керак. Бу масалалар билан боғлиқ барча ишлар мутасадди ташкилотларимиз назорати остида бўлиши лозим. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳар йили хорижга 5000 (!) эмас, ундан кўпроқ хўловчиларни жўнатиш имкониятига эга бўлиши керак! Худога шўркчи, биз бундай бош оғриқ ва даҳмазалардан йироқмиз! Миллий менталитетимизни яққол ифодаловчи бир мақол бор: “Узоқнинг бугудойидан ақиннинг сомони яхши”.

Лекин, негадир узоқнинг бугудойини истовчилар камаймаяпти. Улар ноқонуний йўллар билан бўлса-да, хорижга иш излаб чиқиб кетишмокда. Начора, табиат қонуни бу. Инсон ўз эҳтижини қондириш мақсадида ҳар йўлга бош сукиб қўради. Бу йўлда ҳар қандай алдов ва ёлғонларга ҳам гоҳида лаққа тушади. Бир шеърда айтилганидек, “Яхшидур аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон

ерда ишлашга рози бўлсангиз, ҳар ойда 700 АҚШ долларига тенг маош оласиз, ётоқ ва овқат бепул” деб ваъда берганда лаққа тушишди. Ф. Азимов 2007 йил 10 октябр кўни Тошкент шаҳридаги “Отчопар” бозори олдида йигитлар билан учрашиб, уларнинг ҳар биридан йўлқира учун 1 миллион 800 миң

нинг Санъат деган жиянини “Улдирамиз” деб қўрқитиб, баъзилари “тоғ”нинг Собир исмли танишидан 400 Россия рубли эвазига ўз паспортларини сотиб олиб, зўрга Ўзбекистонга қайтиб келишди. Ниҳоят, 2010 йил 13 апрель кўни жиноят ишлари бўйича Чиноз туман суди биносида Фарҳод Азимов устандан очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Фарҳод Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддаси 2-қисмининг “б, д, е, з, и” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганлигида айбдор деб топилиб, шу модда билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳазо-сира тортилди. Туман прокурорининг даъво аризаси қаноатлантирилди. Маҳкум Фарҳод Азимовдан жабрланувчи И. Жўраев фойдасига 1 миллион, Ш. Раҳматуллаевга 400 миң сўм, Б. Нишонбоевга 1 миллион 400 миң сўм, А. Эргашевга 500 миң сўм, С. Норжигитовга 1 миллион сўм, Д. Султоновга 1 миллион 400 миң сўм, Х. Мансуров фойдасига 800 миң сўм зарар ундириб олинди.

Ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. Чинозлик йигитлар узоқнинг бугудойи тошдан ҳам қаттиқлиги, уни чайнаб-чайнаб, ютиш учун темир тиш кераклигини англаб етишди. Фақат бу мақол хусусида бир мулоҳаза бор. Хўп, яқиннинг сомони яхшилиги аниқ. Аммо яқиннинг сомони бор экани, демак бугудойи ҳам бўлади, албатта. Демак, яқиннинг бугудойини истовчилар одам савдосини касб қилиб олган урларнинг сохта ваъдаларига ҳамчун, ўз юртида эркин меҳнат қилиш учун ўзларини астойдил чоғлашлари керак.

Карим МАТНАЗАРОВ.

ЁЛҒОН ВАЪДАЛАРГА УЧМАГИН, ДЎСТИМ...



сўмдан олиб, Бухоро шаҳрига, у ердан Бухоро-Москва йўналишида қатнайдиغان автобўсга ўтказиб юборди. Ленин Москвада уларни бошқачароқ аҳвол кутиб турган экан. Фарҳоднинг тоғаси чинозлик йигитларни кутиб олиб, биринчи галда паспортларини олиб қўйди. “Регистрация қилдириб, қайтиб бераман” деди “тоғ” қилмишини изоҳлаб. Кейин уларни икки гуруҳга ажратиб, ваъда қилганидек, мебель цехига эмас, қурилиш майдонига ишга олиб борди. “Хозирча 400 АҚШ доллари олиб турасиз” деди у яна ёлғон ваъда бериб. Чинозлик йигитлар бир ҳафта ишлагач, алданганларини билиб, бир дала ховлига бориб, бассейн қурилишида ишлашди. Бу ҳам даромад бермагач, кўчаларда тўзғиб, майда-чуйда мардикорчилик ишларини бажариб, бир амаллаб қорин тўйгазиб юришди. Ниҳоят сабр-тоқатлари тугаб, баъзилари “тоғ”-

Олмалик тиббиёт коллежи (аввалги Олмалик тиббиёт билим юрти) томонидан 1997 йилда Уралова Раъно Муҳаммадханова номига берилган № 138349 рақамли диплом йўқолганиги сабабли

Учтепа тумани ТСРҲИ томонидан 09.07.2010 йилда № 003907-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301676448) “BOTIR LINE” хусусий корхонаси “SENTOB-LINE” масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириши маълум қилди.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 14-сонли ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1995 йил 5 июнда Хасанова Маҳфуза Уктамонова номига берилган № 064907 рақамли аттестат йўқолганиги сабабли

ООО “A'LO G'ISHT”, заргистированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства жомияята Чиназского района Ташкентской области № 83/1880 от 12 мая 2008 года, сообщает об уменьшении уставного фонда с 160 000 000 сум до 49 550 900 сум.

Тошкент шаҳар Юнусobod ҳокимати томонидан 2007 йил 22 февралда № 002682-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “МУКТОЛ-TRADE” МЧЖ (ИНН 300289541) ўз фаолиятини ТУГАТАДИ. Даво ва аризалар икки ой мобайнида қўйилган манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, А. Темур ва А. Дониш кўчалари кесиливидаги бино.

Утерьяный диплом № 267663, выданный Медицинским колледжом им. Ахунбаева Шайхантахурского района г. Ташкента в 2005 году на имя Алайитдиной Ферузы Миррашоновны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилымыз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ёшлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Ёшлар ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва ёшлар берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Ирода НОРБОВЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХҲҲАЕВ

Хафтанг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 12658. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.